З. Исломов

Шарқ тилларидаги кўптилли манбалар таржимаси: аслият ва ўзига хослиги

Шарқ мумтоз адабиёти ўзининг серқирралиги, бадиий воситалари имкониятининг кенглиги билан ажралиб туради. Мана шундай юксак бадиий ёдгорлик даражасидаги асарларнинг бошқа тилларга қилинган таржималарида ҳам айнан шундай улуғворликнинг сақланиши таржимондан катта масъулият, чуқур билим ва истифода этилаётган тилларда ҳам кенг қамровли ҳамда маъноли сўз бойлигига эга бўлишни талаб этади. Маълумки таржималар асосан бир тилдан иккинчи бир тилга амалга оширилади. Бунда ҳар иккала тилни мукаммал билиш ҳам аслият ва ҳам таржиманинг тўлақонли мустақил асар даражасига кўтарилишига хизмат қилади. Лекин бой маънавий меросимиз тарихида шундай асарлар борки, улар икки тил билангина чекланиб қолмайди, балки улар икки ва ундан ортиқ тилларни билишни тақозо қилади. Бунга мисол сифатида икки, уч, тўрт тилли луғат асарларини келтириш мумкин. Шундай асарлардан бири буюк сўз устаси, аллома Маҳмуд Замахшарий (1075–1144) қаламига мансуб “Муқаддамат ал-адаб” саналади. Бу нодир манбанинг арабча-форсча-ўзбекча-мўғулча сўзлик киритилган тўрт тилли нусхаси мавжуд. Асар таркибидаги у ёки бу тилни мукаммал билмаслик асл матн таржимасида маъноларнинг тўлақонли очилмаслигига, таржима асарининг тушунарли бўлмаслигига сабабчи бўлади. Бизга маълумки, Н.Н.Поппе (1897–1991) асарнинг ўзбекча ва мўғулча сўзлигини рус тилига таржима қилган ва тадқиқ этган [7: 6]. Олим сўзликка ижодий ёндашиб келтирилган сўзликларни сўзма-сўз таржима қилган, бу эса айрим ўринларда асл матн англатган маънодан узоқлашишга олиб келган. Асардаги “қонини олди андин” ибораси [6: 393а.2] Н.Поппеда “пустил ему кровь”, яъни “ундан қонини олди” маъносида келтирилган [8: 135]. Ваҳоланки, феълнинг арабий асли “ақассаҳу мин фуланин” “фалончидан қасос олди, хун олди” маъносини англатади[1: 639]. Иборанинг форсий муодили “қасос кашидаш аз фулон” – “фалончидан қасос олди” кўринишида келтирилган. Юқоридаги “қонини олди андин” иборасида айнан “қасос олмоқ”, “хун олмоқ” маъноси англашилади. Бу мазмунни ёрдамчи нусхалар ҳам тасдиқлайди: “қасос гирифт аз фулан” – “қасос олди фаландин” [3: 129б.3], “қасос ситонад барои вай” – “қасос олди андин фалан учун” [4: 88а.5]. Демак, юқоридаги иборани “ундан қасос олди”, “ундан хун олди” маъносида келтириш иборанинг тўлиқ маъносини ёритиб бериш имконини беради.

Манбадаги арабий “инжазам ал-феълу” бирикмаси туркий сўзликка “мажзум бўлди феъл” шаклида ўгирилган [6: 432а.3]. Н.Поппе луғатида бу жумла “дело было решено” “иш ҳал қилинди” мазмунида таржима қилинган [7: 235]. “Инжазама” феъли “феълни жазмда қўймоқ” маъносини англатади. Ёрдамчи нусхаларда бу жумла “жазм бўлди музореъ феъли” [3: 176а.I], “кесилди феъл сўнгги ҳаракатдин” шаклида келтирилган [4: 6а.7]. Ҳар иккала нусхада ҳам маъно “феълнинг “жазм (шарт) майлида келиши” ҳақида кетмоқда. Шунга асосланиб “мажзум бўлди феъл” иборасини “феъл жазм (шарт) майлида бўлди, феъл жазмда қўйилди” шаклида изоҳлаш мақсадга мувофиқ.

Айрим феълларнинг ҳарфий таржимаси шаклан тўғрига ўхшаб кўринса-да, араб ва форс тилларидаги маънодошлари билан қиёслаш вақтида унинг умуман ўзга маъно англатганлиги намоён бўлади. Масалан, араб тилидаги “зафара” феъли “совуқ тинди” [6: 224а.3], ”чуқур нафас олди, оғир нафас олди” маъносини англатади. Н. Поппенинг юқоридаги асарида мазкур “совуқ тинди” ибораси “совуқ тугади” мазмунида ўгирилган [8: 226]. Ушбу ўринда бу феъл шаклан “совуқ тугади” маъносини англатса ҳам, унинг “чуқур нафас олди” мазмуни ҳам мавжуд.

Асардаги “саббаҳаҳум” феъли туркийда “танқла эрта келди анлар уза” тарзида берилган [6: 224а.3]. Юқоридаги ибора Н.Поппе асарида “эртага эрталаб унинг олдига келди” шаклида изоҳланган [8: 233]. Бу таржима арабий феълнинг мазмунига тўлиқ мос эмас ва гапдаги мазмун феъл англатган замонга мос тушмайди. Демак, мазкур иборани “эрта билан”, “эрталаб тонгда уларнинг олдига келди” мазмунида бериш мақсадга мувофиқдир.

Сўз англатган маънининг зарур шаклини ажратиб олиш ва таржимада бериш ҳам таржимоннинг маҳоратини кўрсатади. Жумладан, Н.Поппе луғатда “кунаш бўлди кунимиз” жумласини “қуёшимиз жазирама бўлди” деб таржима қилинган [8: 423]. Қўлёзмадаги арабий “шамаса йавмуна” ибораси туркий сўзликда айнан юқоридагидек [6: 229а.4] “кунаш бўлди кунимиз” – “кунимиз иссиқ бўлди, жазирама бўлди” маъноларини англатади [2: 326]. Араб тилидаги “йавмун” сўзи эса фақатгина “кун” мазмуни беради. Шунга кўра юқоридаги жумлани “қуёшимиз жазирама бўлди” мазмунида эмас балки, “кунимиз жазирама бўлди” шаклида берилиши лозим. Бу мазмунни ёрдамчи нусхадаги муодил ҳам тасдиқлайди: “қуйашлу бўлди кунимиз” [4: 7а.I].

Асардаги бирор туркий сўзнинг бошқача ўқилиши ҳам маънонинг ўзгаришига олиб келган. Масалан: “замара” феъли форс тилида “най зад”, ўзбекчада эса “тутук урди” шаклида келтирилган [6: 224а.3]. Ушбу жумла Н.Поппеда “пардани ташлади, парда билан тўсди” “закинул занавес”

маъносида келтирилган [8: I29]. “Тутук” сўзи икки маънони, биринчиси “парда”, “тўсиқ” ва иккинчиси “қамиш”, “най” маъноларини англатади [12: 1572]. Шунингдек, мазкур феъл шаклини “урди” ва “ҳурди” кўринишида талаффуз қилиш мумкин. “Ур” феъли қаттиқ талаффузли шакли “урмоқ”, “қўймоқ” [2: 614], юмшоқ талаффузли шакли эса “пуфламоқ” [2: 626] маъноларини ифодалайди. Ёрдамчи нусхаларда эса “най урди” “най пуфлади, чалди” мазмунида изоҳланган [4: 5а.2)]. Феълнинг форсий муодили “най зад” “най чалди” шаклида тўғри берилган. Энди юқоридаги феълнинг мўғулий сўзликдаги маънодошига назар солсак, мўғулий вариантдаги “чавур” сўзи “чадур” кўринишида нотўғри ўқилган, бу сўз феъл мазмунининг ўзгаришига олиб келган. Юқорида келтирилган далилларга асосланиб бу феълни “тутук урди” шаклида ўқиб “най чалди”, “най пуфлади” деб таржима қилиш мақсадга мувофиқ .

Араб тилидаги “тафассаха фи каламиҳи” ибораси таркий сўзликка “уз сўзлади сўзи ичинда” – “сўзни усталик билан сўзлади”, “сўзни фасоҳат билан гапирди” мазмунида ўгирилган [6: 488 б.2)]. Н.Поппе луғатида эса бу ибора “ўзи сўзлади сўзи ичинда”, яъни “сам говорил между его словами”, “унинг сўзлари орасида ўзи гапирди” мазмунида изоҳланган [8: 280]. Фикримизча, муаллиф “ўз”, “моҳирона, усталик билан” сўзини “ўзи” деб ўқиган ва бу гап мазмунининг ўзгаришига олиб келган [2: 620]. Асарнинг бошқа қўлёзмасида бу феъл “фасиҳлик кўргазди сўз ичинда” ибораси орқали берилган [3: 189а.9]. Форсий сўзликда келтирилган ибора ҳам жумланинг маъносини тўлиқ ифодалайди: “фасоҳат намудеш дар сухан”.

Айрим ўринларида биргина ҳарфнинг нотўғри талаффуз қилиниши ҳам феъл, ибора мазмунининг умуман ўзгариб кетишига олиб келган. Масалан: “шабақа” феъли “шаҳвати атик бўлди” кўринишида берилган [6: 314б.4]. Мазкур жумладаги “шаҳват” сўзини Поппе асарида “шуҳрат” тарзида ўқилган ва “унинг шуҳрати тез бўлди, тез тарқалди” деб изоҳланган [8: 154]. Нусхаларда бу феъл “орзулуғ бўлди жимоъга” [3: 78а.1], “бийик шаҳват бўлди” кўринишида ўгирилган [5: 39б.7]. Бундан ташқари араб тилидаги феъл ҳам юқоридаги мазмунни тасдиқлайди.

Таянч қўлёзмадаги туркий феълларни арабий, форсий муодиллари билан солиштириш Н.Поппе луғатидаги айрим ноаниқликларни ойдинлаштиришга олиб келди. Чунончи, асос қўлёзмада “дод” сўзи билан ясалган қўшма феъл икки маротаба учрайди: “дод тилади султондин” [6: 521б.4] Н.Поппе луғатида ҳам ўзгаришсиз берилган [8: 137]. Иккинчи феъл эса “дор тилади андин” шаклида келтирилган [8: 133]. Қўлёзмада “дор тилади андин” шакли учрамайди. Шунингдек, “Муқаддамат ал-адаб”да “уй” маъносида “дор” сўзи қўлланилмаган. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда

ибора “дор тилади андин” – “ундан уй сўради” эмас, балки “дод тилади андин” яъни “ундан шикоят қилди, ундан дод деди” маъносида ўгириш мақсадга мувофиқ.

Тарижимада асл маънонинг умуман ўзгариши ҳоллари ҳам учрайди. Араб тилидаги “тақаййаҳ ал-журҳу” – “яра йирингланди” мазмунини англатади [6: 502б.4]. У таянч қўлёзмада туркий “иринглади йара”, мўғулий “иралаба йара” кўринишида берилган. Н.Поппе луғатида юқоридаги мўғулий “иралаба йара” феъли “эрниклади йара” “яра битди” мазмунида изоҳланган [8:197]. Бу ерда “яранинг битиши” эмас, балки унинг “йирингланиши” назарда тутилган. Бу мазмунни ёрдамчи нусхалар ҳам тасдиқлайди: “иринглади қот” [3: I24a.3].

Асл қўлёзма матнини Н.Поппенинг юқоридаги асари билан қиёслаш таянч нусхадаги айрим феълларнинг изоҳига аниқлик киритади. Бунда Н.Поппе асарида араб ва форс муодилларининг йўқлиги сабабли мўғулий сўзлик асосида текширилди, масалан, асос қўлёзмадаги “ҳатафаҳу” феъли туркий “қарди ани”, мўғулий “қармаба туни” кўринишида келтирилган [6: 236a.1]. Мўғулий “қармаба туни” юқоридаги асарда “қармади ани” деб изоҳланган [8: 294]. Араб тилидаги “ҳатафаҳу” феъли “ушлаб олмоқ, тутиб олмоқ” маъноларини англатади [1: 227]. Демак, бу мазмунга қўлёзмадаги “қарди” эмас, балки “қармади” феъли мос келади.

Таянч нусхадаги арабий “аддат ад-даҳийату” феъли “тилди анқа уйиқ бало” шаклида келтирилган [6: 263a.2]. Бу ердаги “тилди” феъли асл матндаги арабий феъл ифодалаган “учрамоқ, дучор бўлмоқ” маъноларини англатмайди. Н.Поппега мурожаат қилсак, ундаги мўғулий “курба тунду йэкэ бала ибораси “тэгди анқа улуқ бало” тарзида шарҳланган [8: 229]. Қўлёзмадаги феълнинг мўғулий шакли ҳам айнан ўхшаш. Демак, юқоридаги туркий феъл “тилди” эмас, балки “тегди” шаклида берилиши лозим. Шу ҳолдагина у арабий феъл англатган “унга улуғ бало тегди, у катта бахтсизликка учради, у катта мусибатга дучор бўлди” маъноларини аниқ ифода этади.

Қўлёзмадаги арабча “истаъмара” феъли туркий “изоҳат тилади” [6: 513a.1], мўғулий “ижозат эрибэ” шаклида ўгирилган. Туркий иборадаги “изоҳат” сўзи “узоқлашиш, четлашиш” маъноларини англатади. Кўриниб турганидек, бу сўз юқоридаги арабий феълнинг маъносини бермайди. Шу нуқтаи назардан ҳам мазкур туркий иборани “ижозат тилади” шаклида бериш мақсадга мувофиқ.

Асардаги ўзбекча “шифо тилади андин”, “ундан шифо сўради” тўғри таржима қилингандек кўринади. Қўлёзмадаги феълнинг арабий муодили “исташфааҳу” – “ундан ҳимоя қилишни, ёқлашни сўради” мазмунини англатади. Лекин Поппе луғатида унинг туркий муодили “шафаъат тилади

андин” – “ундан шафоат тилади, ундан ҳимоя қилишни сўради” мазмунида берилган. Шунга кўра, юқоридаги ҳолатда туркий “шафоат тилади андин” арабий феъл мазмунига мос келади.

Қўлёзмадаги “илиги остига кэкурди ани” иборасининг мазмуни тўлиқ очилмади [6: 233б.4]. Унинг мўғулий муодили “ғардора ачараба туни” Н.Поппе луғатида “илиги остиға кэлурди ани” шаклида туркийча изоҳланганлиги аниқланди [8:174]. Демак, юқоридаги туркий феъл “кэкурди” шаклида хато кўчирилган. Юқоридаги ибора таркибидаги феъл “кэлурди” яъни, “илиги остиға келурди ани” шаклида бўлиши “уни қўли остига келтирди” мазмунида арабий “дабатаҳу” феъли мазмунини тўлиқ ифодалайди.

Қиёсий тадқиқ этиш натижасида асосий асар матнида ҳамда таржимада ҳам бир хил берилган, лекин мазкур шакли талаб қилинадиган мазмунни бермайдиган ҳолатлар аниқланди. Қўлёзмадаги “казаба би-л-амри” феъли туркийда “итанмади ишни” шаклида берилган [6: 423а.1]. Бу феъл Поппе луғатида ҳам ўзгаришсиз “итанмади ишни“ “ишни бошламади” деб изоҳланган [8: 165]. Арабча “казаба би-л-амри” феъли “ишни ишонмади, ишни ёлғон деб билди” маъноларини англатади Феълнинг бу маъносини кейинги қўлёзмалар ҳам тасдиқлайди: “ёлғон кўрди ишни” “ишни ёлғон деб билди” [4: 95а.4]. Юқоридаги далилларга асосланиб бу феъл “итанмади” эмас, балки “инанмади” шаклида изоҳланди.

Таянч нусхадаги арабий “ваҳҳад ал-лаҳа таъоло” жумласи форсча “йеки хонд тэнгри таъоло ро”, туркий “бэрди тэнгри таъолони” шаклида изоҳланган [6: 440а.4]. Арабий, форсий ва мўғулий муодилларнинг мазмуни бир-бирига мос бўлиб “тангри таолони бир деб билди, тангри таолони якка деб ҳисоблади” маъносини ифодалайди. Юқоридаги туркий ва мўғулий шакллар Н.Поппе луғатида “бэрди тэнгри таъала” “тангри таоло берди”, “никэн кибэ тэнгри таъала” “тангри таоло бир қилди” мазмунида келтирилган [8: 252]. Туркий “берди” феъли арабча, форсча муодиллари мазмунига мос келмайди. Бу феъл ёрдамчи манбаларда “йалғузлади тенгри таъолони” [3: 150б.3], “бирлади тангрини” мазмундошлари билан изоҳланган [4: 101 б.3]. Феълнинг юқоридаги мазмуни мўғулий шаклда тўғри англашилган, лекин Поппе луғатида жумладаги тушум келишиги қўшимчаси “йи” тушиб қолган ва жумла “никэн кибэ тэнгри таъалайи” эмас, балки “никэн кибэ тэнгри таъала” тарзида ўқилган ва натижада ибораниг мазмуни ўзгарган. Қўлёзмада мўғулий муодилдаги “таъала” сўзига “йи” қўшимчаси “ни” тарзида қўшилган. Демак, туркий “бэрди” феълини “бир дэди”, “бирлади” шаклида келтириш феълнинг мазмунини тўлиқ ифодалайди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Н.Поппе тадқиқот мавзуси қилиб туркий сўзни олган эмас, балки мўғулий сўзликни туркийсиз тушунтириш мушкул бўлганлиги сабабли ҳам мўғулий сўзлик билан биргаликда туркий сўзликни келтирган ва шу асосда таржима қилган. Туркий сўзликнинг асосий қисми тўғри ва равон изоҳланган, лекин асар матнини арабий асли ҳамда форсий сўзлик билан муқояса қилиш ишдаги айрим ноаниқликларни бартараф этган бўлар эди. Шу нуқтаи назардан кўп тилли асарлар матни таржимаси устида ишлаш таржимон ёки тадқиқотчидан манбадаги барча тилларни билишни талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Баранов Х.К. Арабско-русский словарь. Москва, 1977.
2. Древнетюркский словарь. Ленинград, 1969.
3. Маҳмуд Замахшарий. Муқаддамат ал-адаб. ЎзРФА ШИ қўлёзмаси, № 2699.
4. Маҳмуд Замахшарий. Муқаддамат ал-адаб. ЎзРФА ШИ қўлёзмаси, № 3807.
5. Маҳмуд Замахшарий. Муқаддамат ал-адаб. ЎзРФА ШИ қўлёзмаси, № 1497.
6. Маҳмуд Замахшарий. Муқаддамат ал-адаб. ЎзРФА. Адабиёт музейи қўлёзмаси, инв. № 202.
7. Поппе Н.Н. Монгольский словарь. Муқаддимат ал-адаб. Ч. I. Москва–Ленинград, 1938.
8. Поппе Н.Н. Монгольский словарь. Муқаддимат ал-адаб. Ч. II. Москва–Ленинград, 1938.
9. Поппе Н.Н. Монгольский словарь. Муқаддимат ал-адаб. Ч. III. Москва–Ленинград, 1939.
10. Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий. Т. I. Санкт–Петербург, 1893.
11. Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий. Т.II. Санкт–Петербург, 1899.
12. Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий. Т.III. Санкт–Петербург, 1905.
13. Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий. Т. IV. Санкт–Петербург, 1911.

З. Исломов

Шарқ тилларидаги кўптилли манбалар таржимаси:
аслият ва ўзига хослиги

Мақолада Шарқда кўптилли луғат тузиш қадимдан мавжудлиги, унинг услуби, талаблари ва аҳамияти Маҳмуд Замахшарийнинг “Муқаддамат ал-адаб” асари мисолида ёритилган. Шунингдек, мазкур асарнинг ўзбекча-мўғулча луғатини таржима ва тадқиқ этган Н.Поппенинг “Монгольский словарь “Мукаддимат ал-адаб” китобининг ўзига хос ўринлари таҳлил қилинган. Н.Поппе “Муқаддамат ал-адаб” асосида тузган ўзбекча-мўғулча сўзлигини асарнинг арабча-форсча луғатига қиёслаб тузмагани боис, араб тилидаги ибораларнинг ҳарфий таржимасида маъновий ўзгаришлар юз бергани аниқ мисоллар билан исботланган.

Калит сўзлар: *Маҳмуд Замахшарий, “Муқаддамат ал-адаб”, Николас Поппе, икки тилли луғат, уч тилли луғат, тўрт тилли – арабча-форсча-туркий-мўғулий луғат, қўлёзма, асл вариант, таржима.*

З. Исламов

Перевод многоязычных источников на восточных языках:
оригинал и особенности

В статье освещается о традициях составления словарей на востоке, которые укореняются в далекую древность, а так же, их методы, требования и особенности на примере произведения «Мукаддамат ал-адаб» Махмуда Замахшари. Также проанализированы отдельные моменты книги Н.Поппе “Монгольский словарь “Мукаддимат ал-адаб”, в котором исследователь осуществил перевод узбекско-монгольского словаря данного произведения. Было доказано, что в переводе Н.Поппе встречаются изменения в смысле арабских терминов, поскольку автор в ходе составления узбекско-монгольского словаря не сравнил их с арабско-персидским словарем.

Ключевые слова: *Махмуд Замахшари, «Мукаддамат ал-адаб», Николас Поппе, дуолингвистический словарь, трёхъязычный словарь, четырехязычный – арабско-персидско-турецко-монгольский словарь, рукопись, оригинал, перевод.*

Z. Islamov

The translation of multi-lingual sources: authenticity and peculiarity

The article tells about the traditions of compiling dictionaries in the East, which takes root into ancient times, as well as their methods, requirements and features on the example of the work “Mukaddamat al-adab” by Mahmud Zamakhshari. Also, certain moments of N.Poppe's book "Mukaddimat al-adab" - the mongolian dictionary" were analyzed, in which the researcher translated the Uzbek-Mongolian dictionary of this work. It was proved that in the translation of N.Poppe there are changes in the sense of Arabic terms, as the author did not compare them with the Arabic-Persian dictionary during the compilation of the Uzbek-Mongolian dictionary.

Key words: *Mahmud Zamakhshari, Mukaddamat al-adab, Nicolas Poppe, duolinguistic dictionary, trilingual dictionary, four-language – Arabic-Persian-Turkish-Mongolian dictionary, manuscript, original, translation.*

Ж. Жўраев

Ўзбек адабиётида муаммо жанрига муносабат

Бир қатор Шарқ халқлари адабиётида бўлгани сингари ўзбек адабиётида ҳам муаммо жанри алоҳида ўрин тутади. XV асрдан XX асрнинг учинчи чорагига қадар бўлган ўзбек шеърияти вакилларининг ижодида муаммо жанридаги шеърларнинг турли хил кўринишлари учрайди. Бу кўринишлар муаммо жанрининг ўзбек адабиётида қатъийлашиши, хусусиятлари ва адабий жараёнлардаги фаоллиги каби жиҳатларини белгилашда аҳамиятли. Шунингдек, турли даврларда муаммо жанрида шеър ёзган шоирларнинг ижодий меросини ўрганиш муаммо жанрига хос анъаналарнинг ўзбек адабиётида ҳам ўрин олишидаги ролини кўрсатишда муҳим.

Ўзбек адабиётида Алишер Навоийгача муаммо жанрида шеър битган шоир номи учрамаса-да, муаммонинг хусусиятларини ижодкорлар яхши билганлар. Ушбу тўғридаги Э.Рустамов ва Қ.Каримовларнинг хулосалари эътиборли. Э.Рустамов Алишер Навоийгача ҳам ўзбек шоирлари муаммо жанридан хабардор бўлганликларини Атоий шеърияти мисолида далиллайди [16: 82].

Қ. Каримов эса Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билик” асаридаги муаммо жанрига хос унсурларни изоҳлаган [23: 13].